

Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

www.xabar.cc.uz

xabar@uzpak.uz

orif@infonet.uz

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

2005-йил, 25-феврал, 8 (649)-сон

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокама этилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлат мулки қўмитасининг Хоразм ҳудудий бошқармасида "Хусусийлаштирилган корхоналарда акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғинларини ўтказиш ва бундай корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этиш самарадорлигини ошириш" мавзусида семинар-кеңаш бўлди.

Унда хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва акциядорларнинг бу борадаги билим савиялари, ҳуқуқий мажбуриятларини ошириш ҳақида сўз борди.

"ЭКОСАН" халқаро ташкилотиде "Инсон саломамлиги иқтисодий-экологик ўлчамларда" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Конференцияда "Сихат-саломамлиқ йили" давлат дастури бўйича "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти билан бирга амалга ошириладиган тадбирлар, вилоятларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш борасида анжуманлар ташкил этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Тошкентда республика Хотин-қизлар қўмитаси ва "Меҳр" нодавлат-нотижорат бирлашмаси ташаббуси билан хотин-қизлар ташкилотларининг форуми бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракатининг ривожланиш истикболлари, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш жараёнидаги маънавини ошириш, давлат ташкилотларининг нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустақамлаш масалалари юзасидан маърузалар тингланди.

«Хабар» мукофоти навоийликларда (ОБУНА-2005: танлов натижалари)



"Хабар" газетаси тахририяти 2005 йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ва шу орқали ўз ўқувчилари сафини кенгайтириш мақсадида газетасига энг кўп обуна уюштирган почта корхоналари ўртасида танлов эълон қилиб, ғолиблар учун мукофотлар ажратган эди. "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва тахририят аъзоларидан тузилган махсус комиссия танлов якунларини кўриб чиқди.

Танлов шартларига биноан 1500 нусхада тўлиқ бир йиллик обуна расмийлаштирган ҳар бир вилоят филиалларига – рангли телевизор, 200 нусха йиллик обуна уюштирган туман почта алоқаси тармоқларига – видеомагнитофон ва 100 нусхада йиллик обуна расмийлаштирган почта алоқаси бўлимлари – велосипед мукофоти берилиши кўзда тутилганди. Афсуски, вилоят филиаллари ва

P.S. "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Навоий филиали жамоаси нафақат газетамизга, балки барча матбуот нашрларига обуна уюштиришда етакчи ҳисобланади. Бу борада кўлга киритилган ижобий натижалар, амалга оширилган ишлар билан газетамизнинг кейинги сонларида батафсил танишасиз.

туман почта алоқаси тармоқлари орасида танлов шартини бажарганлар топилмади. Почта алоқаси бўлимлари ўртасида эса 119 нусхада тўла бир йиллик обуна уюштирган Навоий шаҳридаги 1-почта алоқаси бўлими ғолибликни кўлга киритди.

Ушбу алоқа бўлимида фақат аёллар хизмат қилиши сабабли жамоанинг вилосипедни видеомагнитофон билан алмаштириб бериш тўғрисидаги илтимос хати инобатга олинди ва танлов комиссияси мажлисининг қўшма баённомаси қарорига кўра, Навоий шаҳридаги 1-почта алоқаси бўлими тахририятнинг махсус соврини – видеомагнитофон билан тақдирланди.

Мукофот муборак бўлсин!

Тахририят

Суратда: "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Навоий филиали директори **Усмон ЖУМАЕВ** тахририят томонидан тақдим этилган видеомагнитофони 1-почта алоқаси бўлими бошлиғи **Зиёда Йўлдошева**га топширмақда.



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги)нинг 50 ва Тошкент телеминорасининг 20 йиллик юбилейларини нишонлаш бўйича Ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди.

Танлов якунланди

Унда юбилейларини нишонлаш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилиши кўриб чиқилди ҳамда Агентликнинг 2004 йил, 4 декабрдаги фармойишига мувофиқ ўтказилган "Ўзбекистон алоқа соҳаси (Вазирлик)нинг 50 йиллигига бағишланган нишон" ва "Тошкент телеминорасининг 20 йиллигига бағишланган нишон"ни яратиш бўйича танлов ғолиблари аниқланди.

Ўзбекистон алоқа соҳаси (Вазирлик)нинг 50 йиллигига бағишланган нишон"ни яратиш бўйича танловда "infoCOM.UZ" журнали дизайнери А.Войнов ғолиб деб топилди. «Букора Телеком» филиали Шофиркон те-

лекоммуникациялар боғламасининг қишлоқ телефон станциялари муҳандиси Х.Хайдаров эса иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Тошкент телеминорасининг 20 йиллигига бағишланган нишон"ни яратиш бўйича танловда ҳам "infoCOM.UZ" журнали дизайнери А.Войнов ғолибликка лойиқ топилди. Навоий РТУМ 18-ПТС катта электромеханиги И.Ҳақбердиев иккинчи ўринни эгаллади.

Танлов шартларига биноан ҳар бир йўналиш ғолибига 100 минг сўмдан, иккинчи ўрин эгасига эса 50 минг сўмдан мукофот берилди.

Ўз мухбиримиз

TATU HAYOTIDAN

АКТЁРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ


Тошкент ахборот технологиялари университетиде "Маънавият куни" ўтказилди. Тадбирга Абдор Худоятлов номидаги академик драма театри актёрлари таклиф қилинди. Халқимизнинг сеvimли актёрлари Афзал Рафиков ва Дилбар Исмоиловлар бошчилигидаги бир гуруҳ театр актёрлари талабалар учун қизқарли томоша ва концерт дастурларини намойиш этдилар. Дастур якунида талабалар ўзларини қизиқтирган санъат оламига оид саволларга жавоб олдилар.

Бундан ташқари, шу куни талабаларнинг халқ табиби, академик Маҳмуджон Орифжонов билан "Касаллик сабаблари ва бизнинг турмуш тарзимиз" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Бу суҳбат "Инсон умуман оғримасдан яшashi мумкинми?", "Нега инсон кам яшайди?" каби саволлар доирасида бўлиб ўтди.

Шунингдек, "Маънавият куни"да биринчи босқич талабалари билан "Навоийхонлик" кечаси ҳам ўтказилди. Улар ижросида Навоий асарларидан саҳна кўринишлари намойиш этилиб, шоирнинг ғазаллари ва байтлари ёдга олинди. Учинчи ва тўртинчи босқич талабалари билан эса республикамиз Президентининг "Независимая газета" мухбирига берган интервьюси юзасидан ҳамда "Терроризм ва диний фундаментализмга қарши кураш" мавзусида суҳбатлар ўтказилди.

Талабалар уйида бахру-байт ва спорт мусобақалари ташкил этилди.

Эъзозахон КАРИМОВА, ТАТУ "Маънавият ва маърифат" бошқармаси бошлиғи



Серқирра олим, меҳрибон устоз...



Академик Жўра Абдуллаев 1927 йил, 21 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. У пойтахтдаги 41-мактабда таҳсил олган. Уруш даври қийинчиликлари иш фаолиятини Тошкент темир йўл депосида паровозда ўт ёқувчи сифатида бошлашга мажбур қилди. Сўнгра паровоз хайдовчиси ёрдамчиси бўлиб ишлади. Илмга чанқоқлиги боис Жўра Абдуллаев ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг энергетика факультетига ўқишга кирди ва уни 1953 йилда битирди. Ёш мутахассис 1954—1957 йилларда собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг Автоматика ва телемеханика институти аспирантурасида ўқиди. 1958 йили «Тарқоқ жойлашган бажарувчи пунктлар телемеханика қурилмаларини куриши асослари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

1957—1976 йиллар давомида Ж.Абдуллаев ЎзФА Энергетика ва автоматика институтида кичик илмий ходим, катта илмий ходим, лаборатория мудири вазифаларида ишлади. Ушбу даврда ЎзФАнинг техника фанлари бўйича бирлашган Илмий кенгашида «Ўлчаш ахборотларини тезкор қайта ишлаш назарияси ва ундан техник масалаларни ечишда фойдаланиш» мавзусида диссертация ёқлаб, техника фанлари доктори илмий даражасини олди.

1976—1992 йилларда Тошкент электротехника алоқа институти ректори лавозимидан самарали фаолият кўрсатган Ж.Абдуллаев институтда бир неча янги кафедралар, илмий текшириш лабораториялари ташкил этилишига ҳамда талабаларга чуқур билим беришга, иқтидорли талабалар билан алоҳида машғулотлар олиб боришга, етуқ мутахассислар — фан номзодлари ва докторлари етишиб чиқишига катта ҳисса қўшди. Олимнинг ташаббуси билан 1986 йилдаёқ биринчи бор Тошкент шаҳрида алоқанинг оптик-толлари тармоғи жорий қилинган бўлиб, унинг самардорлигини ошириш ва ишлашини таъминлашининг баъзи назарий масалалари яратилган. Тошкент вилояти ҳудудида биринчи марта шамол ва кўёш энергиясидан фойдаланган ҳолда электроэнергетика қурилмаси ишлаб чиқилди. Бу эса, ўз навбатида, саноат тармоқларидан узоқ масофада жойлашган алоқа ва коммунал хўжалик объектларини узуқсиз электр энергия билан таъ-

минлаш имконини берди. Республика алоқа вазирлиги ва чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда катта қувватга эга бўлган тажрибавий мажмуа яратиш ишлари олиб борилди.

Саксонинчи йиллар охири ва тўқсонинчи йиллар бошларида институтида маданий-маърифий ишлар кўчатирилди. Ётоқхоналарда ва ўқув гуруҳларида давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда ректор, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, деканлар ва профессор-ўқитувчилар фаол қатнашдилар.

1992 йилнинг феврал ойида Ж.Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги элиб тайинланди.

Янги вазир биринчи навбатда ўз фаолиятини талабалар ётоқхоналаридаги маънавий муҳитни яхшилашга қаратди. Бу борада олий ўқув юртлири раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари томонидан талабалар ўртасида тарбиявий-маърифий тушунтириш ишлари олиб борилди.

Истиқлол йилларида ҳукуматимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртлирига қабул жараёнидаги камчиликларни тугатиш масаласига жиддий киришди. Шубоис ҳам ректорлар ва илгор услубчи-ўқитувчилардан таркиб топган Ж.Абдуллаев раҳбарлигидаги делегация Туркияга бориб, абитурентларни тест синовларидан ўтказиш тажрибасини ўрганиб келди. Зарур услубий, техникавий ва ташкилий масалалар ҳал этилган тажриба сифатида 1992—1993 ўқув йилида 19та олий ўқув юртида ёшлар тест синовлари асосида талабаларга қабул қилинди. Қабул натижалари 1993 йилнинг июл ойида республика олий ўқув юртлири ректорлари йиғилишида чуқур таҳлил қилинди ва самарали эканлиги маъқулланди. Шундан сўнг республикамиз ҳукумати Ўзбекистоннинг барча олий ўқув юртлирида тест синовларини жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Академик Ж.Абдуллаев 1994 йилнинг март ойида Тошкент электротехника алоқа институти ректорининг маслаҳатчиси этиб тайинланди. Бир оз вақт ўтган эса Ўзбекистон Фанлар академиясининг президиуми аъзолигига сайланди. Кейинроқ Республика Фанлар академияси Президенти вазифасини бажарувчи лавозимда хизмат қилди. Қисқа вақт ичида Академияда бир неча ташкилий вазифалар амалга оширилди ва услубий-меъёрий ҳужжатлар яратилди.

1997 йилнинг май ойидан у Фан-техника ва маркетинг тад-

қиқотлари марказида илмий маслаҳатчи вазифасида ишлаб келмоқда. Ўтган вақт ичида Ж.Абдуллаев ўз илмий ва амалий тажрибасини тадқиқотларни ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш соҳаларида қўлламоқда.

Заҳматқаш олимнинг ташаббуси билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ташкилот ва корхоналарида электр энергиясидан фойдаланишни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш масалалари бўйича ишлар ташкил этилди. Махсус ишчи гуруҳ тузилиб, 1998 йили Сирдарё вилояти алоқа ташкилотларида электр энергиясидан фойдаланишнинг ҳолати ўрганиб чиқилди ва бирламчи таклифлар тайёрланди. Ушбу таклифлар асосида «Алоқа ташкилотларида электр энергиясидан фойдаланиш ва уни тежаш ҳолатини мукаммаллаштириш» услубий қўлланмаси тайёрланди. Ушбу қўлланма асосида 2002 йилда Андижон вилояти, 2003 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилояти, 2004 йилда Самарқанд ва Навоий вилоятлари алоқа ташкилотларида электр энергиясидан фойдаланиш ҳолатлари таҳлил қилинди ва тегишли таклифлар қилинди. Шубоис бирга, вилоятларнинг мутасадди ходимлари билан йиғилишлар ва семинарлар ўтказилиб, энергия ресурсларини тежашнинг иқтисодий моҳиятлари тушунтирилиб борилди.

Жўра Абдуллаев ундан зиёд дарслик, монография ва 250дан ортққ илмий-услубий мақола муаллифидир. Унинг раҳбарлигида 20 киши номзодлик, ўн нафари докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Шунингдек, олим 1999 йили Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган йиғилишда Кўёш ва шамол энергияларини электр энергиясига ўзгартиришнинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал этишдаги хизматлари учун ЮНЕСКО қошидаги Жаҳон қайталанувчи энергия кенгашига аъзо этиб сайланган.

Меҳнат фаолиятидаги муваффақиятлари учун Ж.Абдуллаев «Халқлар дўстлиги», «Меҳнат шуҳрати» орденлари ва қатор медаллар, фахрий ёрликлар билан мукофотланган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи» фахрий унвони соҳибига ҳамдир.

Академик Жўра Абдуллаевич ҳамон ижодий изланишда. Устоз, мураббий, меҳрибон инсонга «Доимо соғ-омон бўлинг!» дея, эзгу ният билдирамыз.

Омон АБДУАЗИЗОВ,
ТАТУнинг радиотелевизион ва радиоалоқа кафедраси мудири

SOHAMIZ FIDOYLARI

Умаржон Раҳимов ва рафиқаси Мухаррамхон илмий одамлар бўлишган. Фарзандлари билан уйда суҳбат қуриб ўтиришганда ҳам, кўча-кўй, бозор-ўчарга чиққанларида ҳам улар тилидан пурмаёно насихатлар тушмасди:

— Болам, қалбингни иймонга ҳолис қил, дилинг пок, тилинг ростгўй, кўнглингни хотиржам, қулқингни тўғри қил, қулоғинг ибратли эшитадиган, кўзинг ибратли кўрадиган бўлсин, — дерди Умаржон қори фарзандларига. — Шунда бандан мўмин бўласан, Аллоҳнинг ҳам назаридан қолмайсан...

Барча фарзандлар шундай ўғитлардан баҳраманд солиҳ инсонлар бўлиб етишдилар. Шу жумладан, Инъомжон ҳам бо-

моқлари ётқизилган йилларни, устозлари — П.Шакин ва В.Назинларни мароқ билан эслади. Бевосита алоқа соҳаси заҳматқашлари билан ўз қучбилмларининг, имконият-қобилиятларининг намойиш этиб, ҳамнафас, елкама-елка ишлаган паллаларининг унутиб бўладими? Радиолиниялар тортиш, радиода учта дастур берилишини йўлга қўйиш, сал кейинроқ радиотармоқ қувватлари 6 марта кўпайтирилгани билан боғлиқ ишларни-чи? Уша даврлар учун фавқулодда аниқлик бўлган бу ишлар бошида кўп раҳбарлар қатори у ҳам бор эди.

1980 йили Қўқонда 3 ва 4-АТСлар қуриди. Айнан шунда бунёдкорлик юмушларида алоқачи бутун борлиги билан

Шогирдлар эҳтироми



ишлайди. Худди шундай дамларда раҳбарларнинг инсоний хислатлари янада яққолроқ кашф этилади. Ёш раҳбар Инъомжон Умаров В.Безруков, Ф.Файзиевлар қиёфасида танти ва меҳрибон кишиларни кўрди. То ҳозиргача уларнинг ҳиммат ва саховатда тенги йўқ, беназир инсонлар бўлганликларига қайта-қайта иймон келтиради. Ўзи ҳам улар каби қатор раҳбарлик лавозимларида — Қўқон алоқа тармоғи бошлиғи, Қўқон РТСи бошлиғи, 26-почта алоқа бўлими бошлиғи, «Фаргона Телеком» филиали Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси касабга уюшмаси кўмитаси раиси (ҳозирда ушбу боғламда муҳандис вазифасида ишламоқда) сифатида баракали меҳнат қилди. Инъомжон ака ҳақида гап кетганда, кўпчилик уни Қўқон алоқачиларининг фахри дейди.

Филиал директори Нўъмонжон Акбаров, шунингдек, Қаҳрамон Бекмирзаев, Султонали Тожиёв, Мақсуджон Иброҳимов, Ёдгор Жўрабеков ва Шўхратжон Иброҳимов каби кўпгина ёшлар уни устоз сифатида эҳтиром билан эъзозлаб, ҳурмат-иззатини жойига қўйишди. У киши бу ҳурматга ўз касбига меҳри, меҳнатсеварлиги, эл ишига ҳамшира шайлиги билан сазовор бўлган.

Инъомжон ака тўрт фарзандни ҳар ҳолатдан баркамол вояга етказиб, элга қўшди. Ўн нафар набиранинг ардоқли бобосидир. «Моҳир алоқачи» фахрий унвони соҳибига, пиру бадавлат отахон, қўплаб ёшларнинг устозига ҳар қанча ҳавас қилсақ арзийди. Ота дуоси вожиб бўлгани, Аллоҳнинг меҳру шафоатидан, назаридан қолмагани шу бўлса керак?! Инъомжон ака Умаровнинг барча шогирдлари иш фаолиятига салкам 50 йил тўлиши ҳамда туғилган куни билан самимий қўтлаб, унга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, неварачеварлар роҳатини кўриб яшашини тиламоқдалар.

Инъомжон ака 1968—1972 йилларда шаҳарлараро телефон алоқаси сифатини яхшилаш учун Бекобод-Қўқон-Фарғона-Андижон-Наманган-Ўш шаҳарлари бўйлаб кабел тар-

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
жамоатчи муҳбиримиз

ALOQA KORXONALARIDA



Кейинги пайтда одамларнинг, айниқса ёшларнинг, ўзаро мулоқотида электрон почта, веб-сайт, Интернет-кафе, Интернет карта каби сўзлар пайдо бўлдики, бунга аста-секин кўникиб ҳам олдик. Эндilikда жаҳон ахборот-коммуникация майдонида рўй бераётган янгиликлар, ўзгаришлардан ўз вақтида бохабар бўлишга интилиш кучайиб бормоқда. Ахборот технологиялари дунёси эса тобора ривожланиб, янгидан-янги технологиялар билан одамларни ўзига оҳанрабодек тортяпти. Айниқса, Интернет тармоғи ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди, десак, асло муболага қилмаган бўламиз.

Республикамизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва уни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда қўллаш учун муҳим қонулар ва меъёрий ҳужжатлар яратилган. Фикримизнинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил, 30 майдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

матлаштирилган назорат, кадрлар бошқаруви, марказий автоматлаштирилган таъмирлаш бюросини ташкил қилиш каби йўналишларда дастурлар тайёрлаш ва уни амалга ошириш хизматларини бажаради. Корхона талабгорларга локал ва корпоратив тармоқларни лойihalash, қуриш ҳамда сервис хизмати кўрсатиши ҳам мумкин. Юқорида тилга олинган Маълумотларни узатиш тар-

162, 77-АТСларга ўрнатилган. Шунингдек, мазкур технология масофадан ўқитиш муаммоларини ечишда ҳам янги имкониятлар эшигини очди. Юртимизда Интернет хизмати кўрсатиш йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу орқали кўплаб ёшлар иш билан таъминланаётган бўлса, ушбу хизматни йўлга қўя олганларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ортмоқда. Мижозларга Интернетга юқори тезликда ула-

ал 5, 10, 20 минг сўмлик универсал карталарни ҳам тайёрлади. Универсал карталар ўз эгасига халқаро телефон сўзлашуви ва Интернет тармоғига кириш имконини беради. Алоқа ва ахборотлаштириш тармоғи, Интернет хизмати, ахборот-коммуникация тизими мунтазам ривожланиб бораётган соҳадир. Шу боис ҳам бу соҳада доимо изланишлар, тадқиқотлар олиб бориш тақозо этилади. "ТШТТ" филиали ва

ALOQA OLAMIDA

ИНТЕРНЕТ-2НИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бир ярим-икки йил ичида Россияда ёппасига Интернетнинг янги авлодини жорий этиш бошланади.

Интернет-2 технологиялари тармоқ орқали узатилаётган маълумотлар ҳажми тезлигини сезиларли даражада оширади, шунингдек, тармоқдан радио ва телевизион сигналларни жўнатиш имкониятлари ҳам пайдо бўлади. Интернет-2 маълумотлар узатиш тезлигини секундига 10 гигабитгача оширади.

Янги технология ёрдамида ярим соатлик видеофильми бир секундда узатиш мумкин. Ҳолбуки, олдинлари бунинг учун 2 соатга яқин вақт сарфланарди.

Айни пайтда амалда бўлган Интернет технологияси 1978 йилда ишлаб чиқарилган. Интернет-2ни яратишга эса 1992 йилда киришилди ва 90-йилларнинг охирида у қатор Farb мамлакатларида жорий этила бошланди. 2003 йилдан кўплаб компютер қурилмалари ишлаб чиқарувчилари Интернет-2 учун жиҳозлар етказиб беришни бошлади.

Маълумотлар узатиш тезлиги оддий миқозлар учун ҳозирда омалашган ADSL-каналга қараганда 40 баравар юқори бўлади. Маълумки, Интернетга телефон орқали уланганда, тезлик ўртача 40 килобит/секундига, ADSL-модем ёрдамида секундига 7 мегабитни ташкил этади. Интернет-2 эса маълумотларни секундига 1 гигабит тезликда олишни таъминлайди.

Шунингдек, янги йўналиш тармоқда ишлаш хавфсизлигини ҳам қафолатлайди.

ЁҒОЧДАН КЛАВИАТУРА

Қундалик турмуши-мизда ишлатилаётган буюмлар, асбоб-ускуналар таркибиде пластмасса-нинг ҳиссаси охиб бораётгани сизни ташвишлантирмаётми?


Гап шундаки, бу борада ўз қарашларига эга Япониянинг «Насо» компанияси томонидан амалий қадамлар ташланди. Компания компютер клавиатураларини ёғочдан тайёрлашга киришди. Албатта, пластмасса арзон ва чидамли, бироқ табиий материалнинг ўрни барибчир бўлакча. Бу фикр нафақат клавиатурага тааллуқли — яқинда «Насо» Panasonic P9001 уяли телефони учун ёғоч корпус ҳам ишлаб чиқарганди.

«Насо» клавиатурасидаги тугмалар 112та бўлиб, агарда компютерга ACPI тизими ўрнатилган бўлса, уни ўчириб-ёқиш ҳамда «ухлаётган» режимга ўтказиш вазифаларини ҳам бажаради. Клавиатура USB (12 Мб/с.гача тезликда маълумот узатишни қувватловчи) интерфейси ўрнатилган. Харидор хоҳишига кўра, ёнғоқ дарахти ёки палисандр (иссиқ мамлакатларда ўсадиган дарахт)дан тайёрланган клавиатурани харид қилиши мумкин.

Айтиш жоизки, «Насо» маҳсулотларининг нархи анча баланд — 250 АҚШ долларидан кам эмас (бунча пулга 20дан ортиқ пластмасса клавиатура сотиб олиш мумкин).

Европада ҳам бу йўналишдаги ишлар йўлга қўйилган. Швециянинг «SWEDX» компанияси компютер монитори ва жиҳозлари қолламасини ёғочдан чиқаришни бошлаганига анча бўлди.

Замон талабларига ҳамоҳанг



тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларини келтириш мумкин. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига дахлдор қатор қонулар қабул қилингани алоқачиларнинг замон талаблари билан ҳамоҳанг олиб боришларини тақозо этмоқда.

"Ўзбектелеком" АКнинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали ва унинг Ахборот-ҳисоблаш маркази ҳам тармоқда замонавий телекоммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги кенг қўламли ишларга киришган. Бундан тўрт йил олдин "ТШТТ" филиали Маълумотлар узатиш тармоғи (МУТ) бўйича лойihalash, қуриш ва уларни ишлатиш борасида лицензия олгач, бутун шаҳарни қамраб оладиган кучли, тезкор маълумотлар узатиш тармоғини ташкил қилди. Натияжада Тошкентдаги корхона, ташкилот ва компаниялар пойтахтнинг қайси туманида жойлашганидан қатъи назар МУТга уланиш имкониятига эга бўлди. Бу ишлар Ахборот-ҳисоблаш маркази (АХМ) мутахассисларининг сайёҳаракатлари тўғрисида амалга ошди. Тармоқни яратишда «Siemens» ва «Cisco» каби етакчи компанияларнинг жиҳозларидан фойдаланилди.

Ўрни келганда Ахборот-ҳисоблаш маркази ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Марказ салкам ўттиз йилдан буён алоқа корхоналари, жумладан, бошқа соҳа корхона ва ташкилотлари учун ҳам амалий дастурлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келмоқда. Шунингдек, АХМ мутахассислари электрон ҳужжат айланиши, ҳужжатлар ижроси бўйича ав-

моғи негизда "ТШТТ" филиалининг корпоратив тармоғи яратилди ва миқозлар билан автоматлаштирилган ҳисоб-китобнинг Биллинг тизими жорий қилинди. Ҳўш, бу тизимнинг афзаллиги нимада?

Ушбу тизим филиалга замонавий компютерлар ва тармоқ технологиялари ёрдамида кўрсатилаётган алоқа хизматлари учун автоматлаштирилган ҳисоб-китобни тақомиллаштириб бориш имконини яратди. Биллинг тизими тармоқ миқозлари ҳақида ягона маълумотлар базасини тўзиш ва юргизиш, халқаро ва шаҳарлараро телефон сўзлашувлари бўйича маълумотларни тезкор ишлаш ҳамда миқозлар талабларига кўра уларга ҳисоб варақасини тақдим этиш, телефон ўрнатиш бўйича навбатда турганлар рўйхатини олиб бориш, тармоқ ва бўлиммалар фаолиятини мувофиқлаштириш каби қўлайликлар яратди.

Мижозлар ҳозирда телефон сўзлашувлари ва бошқа қўшимча алоқа хизматлари тўловларини ўзларига қўлай ҳудудда жойлашган кассаларга тўлашмоқда. Ҳатто улар телекоммуникация хизматлари учун олдиндан аванс тарихида пул тўлаб қўйишлари ҳам мумкин.

Ўтган йилдан бошлаб "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали миқозлари Интернетга юқори тезликда кириш имконини беришни ADSL технологияларидан фойдаланишга киришди. Бу янги технология имконияти тўғрисида миқозлар ўз телефон линиялари орқали сўзлашув олиб боришлари ҳамда Интернетга улаишлари мумкин бўлади. ADSL жиҳозлари 132/133/136, 134/135, 144, 54/55, 78/173,

ниш имкониятини ва бошқа хизматларини сифатли ташкил этиб бераётган Интернет провайдерларининг даромади ҳам шунга яраша салмоқли бўлаётди. Шунинг учун ҳам Интернет хизмати кўрсатиш базориде рақобат кучли. Ана шу рақобатни ҳисобга олган ҳолда, "ТШТТ" филиали ва АХМ раҳбар ва мутахассислари Интернет-кафе очишда шўшилмасдан иш қўришди. Бу борада хизмат кўрсатиш базори чўқур ўрганилгандан сўнг филиалининг 45,51,55,65,77-АТСларида Интернет-кафелар очилди. Ушбу масканларда миқозларга компютерда ишлаш ўргатилади, уларнинг номига веб-сайт ва электрон почта очиш, ҳужжатлардан нўсха олиш, компютер ўйинлари каби бир қатор хизматлар кўрсатилади. Филиал Интернет-кафеларида Интернет тармоғига кириш тезлиги 256 Кбит/сни ташкил этмоқда.

Ахборот-ҳисоблаш маркази маркетинг бўлими мутахассисларининг берган маълумотларига қараганда, ушбу Интернет-кафелар хизматидан бир кунда ўртача 100 нафарга яқин миқоз фойдаланар экан. Энг кўп ташриф буюрувчилар орасида мактаб ўқувчилари, талабалар, турли соҳа мутахассисларини учратиш мумкин. Мижозларнинг ёшини фўиз ҳисобида ўзаро таққосласак, 15 ёшгача бўлганлар 40 фўизни, 16дан 20 ёшгача бўлганлар 30, 21 дан 30 ёшгача бўлганлар 25 ва 30 ёшдан катта ёшдагилар 5 фўизни ташкил этади. Интернет-кафе ходимларининг айтишларича, кўннинг иккинчи ярмида бў ерга келувчилар сони кўпаяр экан. Шу боис ҳам мазкур Интернет марказлари иши тунги соат 22.00га қадар ташкил қилингандир.

Яқиндан бошлаб "ТШТТ" филиали ўз миқозларига IP-телефония хизматини кўрсата бошлади. Бу борада фили-

Ахборот-ҳисоблаш марказининг маркетинг бўлими бу йўналишда ўрганишлар, изланишлар ўтказиб келмоқда.

— Бугунги янги технологиялар ҳам вақти келиб эскириши мумкин, — дейди биз билан суҳбатда Ахборот-ҳисоблаш маркази бошлиғи Бахтиёр Алиев. — Телекоммуникация хизматлари борасида жорий қилинган янги технологиялар — Маълумотлар узатиш тармоғи, Биллинг тизими, ADSL ёки IP-телефония, Интернет хизмати буладими, булар билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Чўнки бу технологияларни қўллашда фойдаланиладиган воситалар тез-тез замонавий техника воситалари билан янгилиниб борилади. Шу боис ҳам диққат-эътиборимизни ишни замон талаблари даражасида ташкил этишга қаратганмиз. Мижозларга хар томонлама сифатли, қўлай ва арзон хизмат кўрсатиш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Дарҳақиқат, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали ва унинг Ахборот-ҳисоблаш марказида миқозлар манфаатига алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар ва жорий қилинаётган янги технологиялар ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Мана шулар ҳақида батафсил маълумотлар олиш истагида бўлганларга "ТШТТ" филиалининг веб-сайти ва электрон почта манзилини маълум қиламиз: www.tshtt.uz, E-mail: abonotdel@tshtt.uz

Мижозларга қўлай, сифатли алоқа хизматлари кўрсатишга интилаётган "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали ва Ахборот-ҳисоблаш маркази мутахассис-ходимларига эса омад тилаймиз.

Абдуған Абдураҳмонов,
"Xabar"нинг махсус мухбири



"ТШТТ" филиали Интернет-кафелари билан:
45-АТС — 144-96-63; 51-АТС — 51-90-99; 55-АТС — 151-23-55; 65-АТС — 166-56-26; 77-АТС — 117-23-55 телефонлар орқали боғланиш мумкин.

Телекоммуникация технологиялари факултети собиқ Иттифоқ алоқа вазирининг "Тошкентда электротехника алоқа институтини ташкил қилиш ҳақида"ги буйруғи асосида 1955 йилнинг 1 июлида ташкил этилган ва Телефон-телеграф факултети номи билан юритилган. Биринчи йили ушбу факултетга 150 нафар талаба қабул қилинган.

Дастлаб факултет таркибидан "Физика ва олий математика", "Чизма геометрия, чизмачилик ва назарий механика", "Химия ва электроматериаллар", "Тарих ва фалсафа" кафедралари ташкил этилиб, уларга доцентлар И.Андреев, С.Колесов, П.Нижник, С.Свирскийлар мудири этиб тайинландилар. Кафедраларга бошқа олий ўқув юрталаридан катта педагогик тажрибга эга бўлган бир қатор ўқитувчилар тақдир этилди. Булар қаторида доцентлар Б.Босенко, Л.Введенская, катта ўқитувчилар И.Дмитриенко, Х.Баскина ва В.Федотовлар бор эди.

Телекоммуникация технологиялари факултетига 1957 йилнинг март ойигача ўқув ишлари проректорлари Л.Тухшайд ва доцент С.Колесовлар раҳбарлик қилдилар. Сўнг факултетни доцентлар Х.Турсунов (1957 йил, март), Н.Линковцев (1959—1961 йй.), В.Дурнев (1961—1967 йй.), Ж.Ниевалин (1967—1970 йй.)лар бошқардилар.

1964/65 ўқув йилидан бошлаб Телекоммуникация технологиялари факултети Автоматик ва кўп каналли электралоқа факултети деб номланди ва телефон-телеграф алоқаси муҳандислари тайёрлаш тугатилиб, автоматик электралоқа ва кўп каналли электралоқа муҳандислари тайёрлаш бошланди. Бу даврга келиб электралоқа тармоғи ривожланаётгани боис алоқа тармоқлари, автоматик коммутация, кўп каналли магистрал алоқа соҳалари бўйича чуқур билимга эга муҳандисларга талаб ошган эди.

1970/71 ўқув йилидан бу факултет икки мустақил — Автоматик электралоқа (АЭА) ва Кўп каналли электралоқа (ККЭА) факултетларига бўлинди. АЭА факултетига доцент М.Зоҳидов, ККЭА факултетига доцент Ж.Ниевалин декан этиб тайинланди. Кейинчалик турли йилларда АЭА факултетига доцентлардан В.Сон (1971—1974), Ш.Юнусов (1974—1977), В.Зелинский (1977—1981), В.Суворов (1981—1989), Н.Хўжаев (1989—1997), катта ўқитувчилардан М.Шашков (1997—2000), В.Демуринов (2000—2001)лар деканлик қилдилар. ККЭА факултетини эса доцентлар А.Черненко (1971—1973), В.Спирин (1973—1977), Р.Ибраимов (1977—1983), И.Берганов (1983—1989), В.Сморшевский (1989—2001), катта ўқитувчи Р.Камолитдинов (2001)лар бошқардилар.

Автоматик электралоқа мутахассислиги асосида 1979-1980 ўқув йилидан Автоматик комму-

тация ва Хабарларни дискрет узатиш ихтисосликлари бўйича муҳандислар тайёрлашга киришилди. 1985-1986 ўқув йилидан Электралоқани бошқариш тизимлари ихтисослиги бўйича муҳандислар тайёрлаш ташкил этилди. Бу вазифалар "Автоматик электралоқа", "Хабарларни дискрет узатиш ва телеграф алоқаси" ҳамда "Рақамли техника ва

лавр ва магистрларнинг замонавий телекоммуникация техникаси ва улардан фойдаланиш тартиб-қоидалари билан муқаммал танишишлари учун етарли шароит яратилган. Ушбу факултет профессор-ўқитувчилари талабаларга билим бериш билан бирга, илмий-текширув ва илмий-услубий ишларни ҳам оlib бормоқдалар. Масалан, 1976—1990 йилларда "Транспорт тармоқлари ва телекоммуникация линиялари" (аввалги "Алоқа линиялари") кафедраси томонидан собиқ Иттифоқ Фанлар Академияси қошидаги Алоқа илмий-текширув институтининг Санкт-Петербург бўлими билан ҳужалик шартномаси асосида олиб борилган «Қишлоқ алоқа кабелларидан фойдаланиш ишончили-

Хозирда Телекоммуникация

Университетга тенгдош факултет



Факултет декани Н.Гултўраев спорт мусобақалари ғолиблигини тақдирлаш маросимида.

электралоқани бошқариш тизимлари» кафедралари зиммасига юклатилди.

Кўп каналли электралоқа факултетига 1979-1980 ўқув йилидан бошлаб Кўп каналли электралоқа ҳамда Алоқа иншоотларини қуриш ва асбоб-анжомларини йиғиш ихтисосликлари бўйича муҳандислар тайёрлашга киришилди. Бу ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашга "Кўп каналли электралоқа" ва "Алоқа линиялари" кафедралари масъул эди.

Республикамизда 1994-1995 ўқув йилидан бакалавр ва магистрлар тайёрлаш тизимига ўтиштириш мақсади билан Автоматик электралоқа факултети телекоммуникациялар йўналиши бўйича бакалаврлар ва Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари, Телекоммуникация тизимларининг дастурий таъминоти, Рақамли техника ва электралоқани бошқариш тизимлари, Телекоммуникация тизим-

технологиялари факултетига 1000га яқин талаба бакалавриатура ва 70га яқин талаба магистратурада ўқимокда. Факултетда икки профессор, 12 доцент, жами 65 профессор-ўқитувчи талабаларга билим бериб келмоқда.

Телекоммуникация технологиялари факултети бакалавр ва магистрларни замон талаблари, давлат стандартларига жавоб берадиган даражада тайёрлаш учун тегишли алоқа техникаси, ўлчаш ва бошқариш қурилмалари билан жиҳозланган ўқув лабораторияларга эга. Лабораторияларга Япониянинг "NEC", Хитойнинг «Шанхай Белл», Кореянинг "DAEWOO", Германиянинг "EWS" фирмаларининг алоқа техникалари ўрнатилган.

Факултет "Тошкент шаҳар телефон тармоғи", "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиаллари ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида ўз филиалларини ташкил этган. Ушбу филиалларда бака-

лавр ва магистрларнинг замонавий телекоммуникация техникаси ва улардан фойдаланиш тартиб-қоидалари билан муқаммал танишишлари учун етарли шароит яратилган. Ушбу факултет профессор-ўқитувчилари талабаларга билим бериш билан бирга, илмий-текширув ва илмий-услубий ишларни ҳам оlib бормоқдалар. Масалан, 1976—1990 йилларда "Транспорт тармоқлари ва телекоммуникация линиялари" (аввалги "Алоқа линиялари") кафедраси томонидан собиқ Иттифоқ Фанлар Академияси қошидаги Алоқа илмий-текширув институтининг Санкт-Петербург бўлими билан ҳужалик шартномаси асосида олиб борилган «Қишлоқ алоқа кабелларидан фойдаланиш ишончили-

гининг тадқиқоти», "Телекоммуникация узатиш тизимлари" кафедрасида баҳарилган «Оптикотопали магистрал алоқа тизимларида теленазорат ва телебошқарув» мавзуларидаги илмий-тадқиқот ишларини кўрсатиш мумкин. Бу ишлар 1984 йили собиқ Иттифоқ Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида медаллар билан тақдирланган. Тула шаҳридаги алоқа техникалари ишлаб чиқарувчи завод билан «К-60 П аппаратурасидан фойдаланиш ишончилигини оширишни тадқиқ қилиш», «Газета-1 аппаратураси ишончилигини тадқиқ этиш» (Санкт-Петербургдаги «Дальняя связь» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳўжалик шартномаси асосида) мавзуларида ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Булардан ташқари, кейинги йилларда "Ўзбектелеком" АК, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали биуртмаси асосида «Модем алоқаси учун алоқа линиялари хабар ўтказиш қобилиятини тадқиқ этиш», «Халақитбардош кодлардан фойдаланиб, ахборотларни ҳимоя қилиш» мавзуларида ҳам илмий изланишлар қилинди. Бу ишлар натижасидан айни дамда ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятларида фойдаланмоқдалар.

Телекоммуникация технологиялари факултети кафедралари хозирда Тарқалган ассоциатив коммутация тизимлари, Автоматик телефон станцияларининг бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, Абонент телефон рақамларининг автоматик аниқлаш аппаратурасини яратиш ва ишлаб чиқариш, Алоқа техникасини назорат қилиш ва ҳолатини аввалдан баҳолаш каби асосий йўналишларда илмий-амалий изланишлар олиб бормоқдалар.

КАСБДОШЛАРИМИЗ

Алоқачининг иши осонмас

йилнинг айни қаҳратон қишидаги бир воқеа исботлади. Ярим тунда эшикдан кириб келган "Хўжасоат" алоқа бўлими бошлиғи қаттиқ тайинлади:

— Мана бу хабарни эрталабгача эгасига етказмасангиз бўлмайди. Касалхонада ётган йигитдан экан.

Ташқарига чиққан Ўқтам эшикда туриб қолди. Гупиллаб қор ёғар, изгирин шамол бада-

нига игнадай қадалиб, жонни оламан дегди.

— Бундай об-ҳавода қандай бораман?

— Касбингиз. Бошқа илож йўқ. Шу кеча у ўн қақиримча йўлда тизмасангиз қор кечди. Эртаси кун шамоллаб касал бўлиб қолди...

Хўжасоат — катта қишлоқ. Ўн минг аҳолиси бўлган бу қишлоқнинг 879 нафар нафақачиси бор. Бир ойда 17 миллион сўм миқдо-

рида нафақа пуллари тарқатилди.

Одам қанча кўп бўлса, шунга яраша ташвиши ҳам бўлади. 1999 йилнинг 21 декабрида уни алоқа бўлими бошлиқлигига тасвима этишганда, тўғриси, бу ташвишларни ўйлаб, бир оз чўчиди. Оғзидан "Бошимни орғитиб нима қиламан?", деган гап ҳам чиқиб кетди. Шунда Олтинсой тумани почта алоқаси тармоғи мутасаддилари



Факултет профессор-ўқитувчилари томонидан 10дан ортиқ монография, 150га яқин ўқув-услубий қўлланма, 300дан зиёд илмий мақола чоп этилган ва қатор ихтиролар учун муаллифлик гувоҳномалари олинган. Шунини алоқачида таъкидлаш керакки, факултет илмий ходимларининг тўртта илмий мақоласи 2000 йилда инглиз тилига таржима қилиниб, АҚШда чоп этилди. "Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари" кафедраси профессори В.Сон эса «Параллельная передача пакетов» номи ихтироси учун 2003 йили АҚШ патентини олди.

Кейинги ўн йилда факултет профессор-ўқитувчилари ва аспирантларидан 25 нафара Япония, Англия, Россия, Швейцария, Хиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Белгия, Греция, Сингапур, Малайзия давлатларида ўз малакаларини ошириб қайтидилар.

Факултет кафедралари "NEC" (Япония), "Шанхай Белл", "HUAWEI ZTE" (Хитой), "DAEWOO" (Корея), "SIEMENS" (Германия) фирмаларининг Тошкентдаги ваколатхоналари билан илмий-техник ахборотлар алмашиб турибди. Бундан ташқари, Жанубий Корея телекоммуникация мутахассислари тайёрлаш университетиди, Сингапур политехника институтиди, Американинг Колорадо штати университетиди, Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск шаҳарларидаги турвоси олий ўқув юрталари билан доимий ихтилоқ алоқа ўрнатилган.

Хулоса қилиб шунини айтиш керакки, Телекоммуникация технологиялари факултети ўзининг 50-йиллик даврида алоқа соҳаси корхоналари ва халқ ҳўжалигининг бошқа жаҳазлари учун минглаб мутахассисларни етказиб берди. Факултетда ўқиниш тугаллаганлардан профессор М.Арипов, доцентлар М.Зоҳидов, И.Берганов, М.Аскарлова, Х.Шариқова, Э.Аллаев, Н.Хўжаев, С.Сиддиков, Р.Шарипов, В.Царев, Э.Ли, В.Суворов, А.Вишневецкий, В.Зокиров, А.Эшмуродов, М.Жалилов, С.Порсиев, Н.Гултўраев, Р.Исаев, Н.Усмонова, Ш.Юнусов, Ю.Москаленко, Ф.Кузахметова, М.Зелинский, Ю.Камолов, Р.Абдурахмонов, Г.Котлабулатова, А.Курмишова ва бошқалар ўшларга билим беришда ҳамда кафедраларнинг ҳар томонлама ривожланишига ўз хиссаларини қўшдилар.

Омон АБДУАЗИЗОВ,
техника фанлари номзоиди,
доцент

эътироз билдиришди:
— Бу нима деганингиз? Унда нима учун ўқувдингиз?
Ҳақиқат саволлар олдида у бош эгди.

Мана, орадан беш йил ўтди. Аввалида ишдан чўчиган Ўқтам Шойимов энди ўз ишининг устаси. Мухими, ҳар хил гап-сўзлар барҳам топти. Арзларга хотима берилди. Хўжасоат қишлоғи ахли "Ишласа буларкан-ку, ҳамма нарсга одамнинг ўзига боғлиқ", деган почтадан хизматидан миннатдор бўлишмоқда.

Шухрат ҚОДИРОВ
Сурхондарё вилояти

Аваллари Ўқтамга алоқачиликдан осон юмуш йўқдай эди. Ҳатто бунининг ўзи ҳам яширмасди: "Ишнинг осони — почтачилик. Келган хат-хабарни тарқатиб, газета-журналларни эгасига етказиб беришининг нимаси қийин?"

Шунини ёки бошқа нарсга сабаб бўлди, ишқилиб 1992 йили Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежига ўқишга кирди. Ўқтининг тамомлаб, хабарчи бўлиб ишга жойлашди.

Алоқачилик у йўлаганчилик осон иш эмас экан. Бунининг 1995

"SPORT" TELEKANALI. 21.30 "Хабарлар". 21.45 Премьера. "Ҳақиқат". Сериал. 22.40 Қараг'у бунча Ўзбекистон биринчилиги. 23.10 "Спорт - менинг ҳаётим". 23.25 Жаҳон спорт: "Еврофутбол". 1.00 "Тунинги оуда бўлиш"

ОРТ

6.00 Телеканал "Доброе утро" 9.00 Новости 9.05 "Потерявшие солнце". Многосерийный фильм. 10.10 Серия "Клон". 11.30 Дисней-клуб: "Утняные истории"

ЖУМА, 4

"Ўзбекистон" телеканалы IV. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон" 8.00-8.35 "Аборот". 8.35 ТВ-аним. "Болалар сайёраси". 8.40 1. "Болалар спорт". 9.40 "Мелодра". 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 АНТИФИКШНЛАР. 10.05 "Биофилм ранг шар". Бодий фильм. 11.20 "Тилым ва таракот". 11.40 "Зинян". 12.05 "Гурул балас". Хужжатий фильм (рус тилида). 12.40 ТВ-аним. 12.45 "Сингита билади умир". "Бетон". Телесерия. 13.10 ТВ-аним. 14.10 Телемухтор. 14.55 "Омар-ога - асирни қиз". "Болалар сайёраси". 16.00 1. "Санаг гулчалари". 2. "Уйла, Иза, Топ". Телемухтор. 3. "Тогу-туришлар". Мультифильм. 17.20 "Кун қанотлар". 17.40 "Бага муктаб нурали". 18.00 "Отаги бешик". 18.40 "Ҳадиол сари". 19.20 "Пластик қарточлар қамчи учди фольклор". 19.25 "Узоғот қандашга" ва рекамалар. 19.30 "Аборот" (рус тилида) 19.55, 20.25, 21.00

12.00 Новости 12.20 Детектив "Подозрение в любви". 13.30 Серия "Женщины в любви". 14.30 "Угадай мелодию". 15.00 Новости (с субтитрами) 15.20 "Девь рождения Бурака - 2". Многосерийный фильм. Заключительная серия. 16.20 "Пять вечеров". 17.30 "Две судьбы". Многосерийный фильм. 18.00 Вечерние новости (с субтитрами) 18.10 "Две судьбы". Многосерийный фильм. Ожогичание. 18.50 Сериял "Клон". 19.50 Многосерийный фильм "Женский роман"

21.00 Время 10.20 "Что ждёт женщина". Ток-шоу. 11.45 Вести. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 12.00 Вести. 12.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 12.30 "Частная жизнь". Ток-шоу. 13.30 Телесерия "Охотники за иконами". 14.30 Вести. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 14.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 15.00 Вести. 15.10 "Кулагин и партнеры". 15.45 Телесерия "Кармелита". 16.45 Телесерия "Исцеление любовью". 17.45 Вести. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

ПТР

3:00 "Доброе утро, Россия". 6:45 Сериял "Тайны следствия-3". 7:45 "Нарком СМЕРША. Паление". 8:45 Вести. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 9:00 Вести. 9:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 9:50 Телесерия "Линия судьбы".

судьбы". 10:20 "Что ждёт женщина". Ток-шоу. 11:45 Вести. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 12:00 Вести. 12:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 12:30 "Частная жизнь". Ток-шоу. 13:30 Телесерия "Охотники за иконами". 14:30 Вести. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 14:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 15:00 Вести. 15:10 "Кулагин и партнеры". 15:45 Телесерия "Кармелита". 16:45 Телесерия "Исцеление любовью". 17:45 Вести. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

НТВ

6.00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ" 9:05 Детективный сериал "ОНА ДОМИНО"

НАПИСАЛА УБИЙСТВО-ПЛОТНЕЕ ВОДЫ? 10:00 "СЕГОДНЯ". 10:30 "ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД". 10:50 Острозкожный сериал "АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ-5". 11:50 Сериял "МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ". 11:50 "СЕГОДНЯ". 13:35 Приключенческий фильм "МОЛОДОЙ ШЕРЛОК ХОЛМС". 15:35 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 16:00 "СЕГОДНЯ". 16:20 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО"

ПТР

3:00 "Доброе утро, Россия". 6:45 Сериял "Тайны следствия-3". 7:45 "Угадай мелодию". 8:45 Вести. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

20:00 Телесерия "Охотники за иконами". 21:00 "ВЕСТИ+1". 21:30 Премьера. Забыто. По сл нам царской династии". 22:15 Острозкожный фильм "Попелуй перед смертью"

НТВ

6:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ" 9:05 Детективный сериал "ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО-ПЛОТНЕЕ ВОДЫ? 10:00 "СЕГОДНЯ". 10:50 Острозкожный сериал "АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ-5". 11:50 Сериял "МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ". 11:50 "СЕГОДНЯ". 13:35 Приключенческий фильм "МОЛОДОЙ ШЕРЛОК ХОЛМС". 15:35 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 16:00 "СЕГОДНЯ". 16:20 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО"

ШАНБА, 5

"Ўзбекистон" телеканалы IV. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон" 8.00-8.35 "Аборот". 8.35 ТВ-аним. 8.40 ИМВ королеву кушлари намунали курсатмаи острозкини концерт. "Болалар сайёраси". 9.00 1. "Санаг гулчалари". 2. "Уйла, Иза, Топ". Телемухтор. 10.00 "Хидол сари". 10.20 "Музыка дуниси". 11.30 "Табасгал". 11.50 "Оттин бешик". 12.20, 15.05 ТВ-аним. 12.25 "Ромео ва Жульетта". 13.15 "Сиз инча деланга". Мусликий дастр. 14.05 "Ромео ва Жульетта". Бодий фильм. 2-қисм. 1. "Ўзбекистон - урмуий уйнама". 2 "Умед". 3. "Дурларанг". 16.10 Мусликий танамфоз. 16.20 "Базанлар". Мультифильм. 16.50 "Табиг шафносалар". 17.00 Болалар учуи. "Саргуштарлар оролин". 17.30 "Куйла, ешилгин". 17.50 "Рангин дуня". 18.15 "Интеллектуал ринг". 18.55 "Қиплоқ ҳаёти". 19.15 "Узоғот". Телелотерей. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00

ЭЪЛОНЛАР. 19.30 "Аборот" (рус тилида) 20.00 Оксидм арткариси. 20.15 РС "Ўзбекистон анликариси" (инглиз тилида) 20.30 "Аборот". 21.05 "Кллар давраси", 1-қисм. "Тунни ёлу". Дам олиш дастури. 22.10 "Кино, кино, кино". 22.20 "Ўзбекистон" телеканалда илк маротаба: "Тундан олдин можаз". Бодий фильм. 24.00 "Аборот-дайжест". 00.20-00.25 Ватан тисмоллари.

12.00 "Мусликий ахсалар". 13.10, 19.15, 22.35 ТВ-аним. 13.15 "Аса-ука Гримм эртасари". Мультифильм. 13.40 "Оттин макуба". Бодий фильм. 14.55 "Урмуий уйнама". 15.15 "Тилан". Телесерия. 16.10 "Курсатлар дастр". 16.15 "Нини аллод" студияси; У

телегезити. 15.10 "Жагон географияси". 15.40 "Африка". 15.50 "Табриклиймиз-кутабим". 16.10 "Интерфутбол". 17.00 Телевикторина. 17.05 "Вир қатим нур". 1-қисм. 17.30 "Курсатлар дастр". 17.35 "Нини аллод" студияси; Билдон махалати. 17.55 "Зумралойнинг эртасари". 18.10 "Урмуий уйнама". 18.15 Саломатик сирлари. 18.35 Каталог. 18.45 ТВ-афиша. 18.50 Музмот навалар. 18.55, 21.55 Икким. 19.00, 22.00 Давр. 19.40 Ирода Искандарова куйлайин". 20.00 "Кунни қирқ ериб". Телегезити уйин на помощи. 20.50 Минг бир ривоят. 20.55, 21.45 Эълонлар. 21.00 Жагон маданияти хадисиласи: "Махоборат". Бодий фильм. 9.25 "Мураббат можазоси". Телесерия. 10.10 ТВ -дорихона. 10.20 Одирабо. 10.25 "Обот оламда". 11.25 "Махоборат". Телесерия. 11.40 Ж. Вердан "Бал-мажар" операси 2-қисм. 15.15, 17.25, 19.35, 22.35 ТВ -

КАНАЛИ. 19:40 "Муҳажжарлар майдон". 21:00 "Врема". "SPORT" TELEKANALI. 21:25 "Хабарлар". 21:40 "Спорт - саломатик гарони". 22:20 "Кулу тайм". 22:45 "Тайм спорт". "Еврофутбол". 23:55 "Тунинги оуда бўлиш"

ПТР

3:00 "Доброе утро, Россия". 6:45 Сериял "Тайны следствия-3". 7:45 "Повесть о казахском райбинеке". 8:45 Вести. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

6:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ" 9:05 Детективный сериал "ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО: НЕ СУДИТЕ!" 10:00 "СЕГОДНЯ". 10:20 "ВОЕННОЕ ДЕЛО". 10:50 Острозкожный сериал "АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ-5". 11:50 Сериял "МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ". 11:50 "СЕГОДНЯ". 13:30 "СЕГОДНЯ". 13:40 Х/ф "ОДИНОКАЯ ЖЕНЩИНА ЖЕЛАЕТ ПОЗНАКОМИТЬСЯ". 15:35 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 16:00 "СЕГОДНЯ". 16:20 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО". 17:35 "СТРЕСС". Ток-шоу 18:35 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 19:00 "СЕГОДНЯ". 19:40 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР. 20:10 Комедия "УБЕЙ МЕНЯ! НУ, ПОЖАЛУЙСТА!". 22:25 "МИРОВОЙ БОКС". 23:10 Х/ф "ЛЮБОВНИК ЛЕДИ ЧАТТЕРЛЕН"

ЯКШАНБА, 6

"Ўзбекистон" телеканалы IV. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон" 8.00-8.35 "Аборот". 8.35 "Қамалок". Болалар учуи хадислар. 10.00 "Ватангина хизмат қилдим". 11.00 "Онлар мактаби". 11.20 "Бу гуфта олим". 12.10, 14.00 ТВ-аним. 12.15 "Алифбо сабоқлари". 12.25 "Сехранган бола". Мультифильм. 13.15 "Интеллектуал ринг". 13.45 "Қиплоқ ҳаёти". 14.15 "Адебу". Ўзбек мислий академик драма театри спектаклийини премьераси. 15.10 "Дустилик" студияси. 1. "Рантинга". 2. "Диллар". 3. "Айроқер". 4. "Чингиз". 16.30 ТВ-аним. 16.40 "Шезра кутан кино". "Болалар сайёраси". 16.55 1. "Уйлаш поноларини". 2. "Отин ток". 17.55 ТВ-аним. 18.00 "Қорни хадиса". 18.30 Эртара пиранори. 18.50 "Масул сўз". 19.10 "Билане ҳафта". 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР. 20.30 "Тахтиснома" (рус тилида)

20:05 "Опама сайит". 20:30 "Тунни аллод" студияси. 21:15 "Опама эртаси". 21:40 "Кллар давраси", 2-қисм. "Якшанба юнонази". 22:45 "Ўзбекистон" телеканалда илк маротаба: "Муҳажжарлар мактаби". Бодий фильм. 00.25-00.30 Ватан тисмоллари.

17.20 "Курсатлар дастр". 17.25 "Нини аллод" студияси; Катта танамфоз. 17.45 Спорт қриномаси. 18.00 Сув - ҳаёт манбаи. 18.05 Келин, қулайлайик. 18.20 Хун қелибган". 18.45 ТВ - афиша. 18.50 Музмот навалар. 18.55, 21.55 Икким. 19.05 "Давр" ҳафта ичиди. 19.35 Одирабо. 20.35, 21.25 Эълонлар. 20.40 Жагон маданияти хадисиласи: "Махоборат". Телегезити уйин на помощи. 21.30 "Оксидм колдуи". Дам олиш на аборот дастр. 22.30 "Ортича юк". Бодий фильм. 0.05-0.10 Хайри тун.

7:30 "Хабарлар". 7:45 "Бардам бўлин". Тонгги дам олиш дастрини. 8:45 "Хабарлар" (рус тилида). Россиянини БИРИНЧИ КАНАЛИ. 9:05 "Куйини йукотанлар". Сериал. "SPORT" TELEKANALI. 11:10 "Футзал". Ўзбекистон телегезити "Сезинг". "Бешик". 11:40 "Гинне рекордлари". 12:10-13:00 "Кучли бешик". "SPORT" TELEKANALI. 16:55 "Курсатлар тартиби". 17:00 "Хабарлар" (рус тилида). 17:30 "Шоҳуладан сўнг". 17:50 "Билда белбон боғлар". Россиянини БИРИНЧИ КАНАЛИ. 18:10 Хужжатий фильм. "SPORT" TELEKANALI. 18:40 "Спорт клуб". Ритп. 19:10 "Давлатик учун соврин". 19:30 "Спорт - менинг ҳаётим". Россиянини БИРИНЧИ КАНАЛИ. 21:35 "Заҳидлар спортини". 21:55 Жагон спорт: "Еврофутбол". 23:30 "Тунинги оуда бўлиш"

ОРТ

6.00 Новости 6.10 Х/ф "Земля до начала времён". 6.50 Фильм "Приключения желтого пса". 8.20 Игрой, гармонь любима! 9.00 Слово пастыря 9.10 "Дорога на помощь". 10.00 Новости 10.10 "Смак". 10.30 "Любовные истории". Юрий Николаев 9.10 "Гуркий гамбит". правия итга. 12.00 Новости (с субтитрами) 12.10 История с географией. "Секреты Титаника". 12.15 Дисней-клуб: "Микки Маус и его друзья". 13.55 Детектив "Послушай". 16:00 "Аншар" на Черном море. 15:40 "В Голоске". 18:20 Вести. 18:25 "Аншар" на Черном море". Продолжение. 20:40 Комедия "Что злотт вешиници". 22:35 Х/ф "Штука ангела". 21:00 Врема

ПТР

3:45 Х/ф "Еще раз про любовь". 5:15 "Большая перемена". 5:45 "Золотой ключ". 6:00 Вести. 6:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.

МУЗЫКАНТЫ "ПО СЛЕДАМ ВРЕМЕНСКИХ МУЗЫКАНТОВ". 6:40 Приключенческий фильм "ПЯТНАДЦАТИЛЕТНИЙ КАПИТАН". 8:00 "СЕГОДНЯ". 8:15 Мультифильм "НУ, ПОГОДИ!". 8:25 Детективный сериал "ПОЛИСКИЙ КУТЪ И ЕГО СОВАКА СЕМЕЙНОЕ ДЕЛО". 8:55 "БЕЗ РЕШЕТА". 9:25 "ДИКИЙ МИР". 10:00 "СЕГОДНЯ". 10:15 "РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ". 10:55 "КУЛИНАРНЫЙ ПОДИОНИК". 11:50 "КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС. ПОДАРОК ДЛЯ МАМЫ". 13:20 "ОСОБО ОПАСЕН". "Калла". 14:05 Комедия "БЕТХОВЕН". 16:00 "СЕГОДНЯ". 16:20 "БЕСАМЕ МУЧО". Фурцанфильм фильм 19:30 "СВОЯ ИГРА". 17:55 Сериял "БЪЛЗАКОВСКИЙ РАСТ". 18:25 ВСЕ МУЖИКИ СВО - 2. НЕСКОЛЬКО ХОРОШИХ ПАНЕН". 19:00 "СЕГОДНЯ". 19:35 Комедия "ОДИНАДЦАТЬ ДРУЗЕЙ ОУШЕНА". 19:20 Комедия "КАВКАЗСКИЕ ПЛЕННИКИ, или Новая приключения Шурика". 21:00 Врема

НТВ

6:00 Мультифильм "ВРЕМЕНСКИЕ"

2005 йил — Сихат-саломатлик йили



ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН!

Жорий йил республикада Сихат-саломатлик йили деб эълон қилинди. Албатта, бу ҳукуматимизнинг халқимиз саломатлигига бўлган алоҳида эътибори ва ғамхўрлигини далолатдир. Шу муносабат билан биз ҳам газетамизда янги — **“SOG'IG'IM — BOYLIGIM”** рубрикини ташкил этдик. Азиз муштарийлар! Энди Сиз ўзингизни ёки яқинларингиз-

ни қийнаётган хасталиклар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва даволаш усуллари тўғрисида, турли тиббий марказлар фаолияти ҳақида, шунингдек, тиббиёт соҳасидаги имтиёзлар хусусида билмоқчи бўлсангиз, тахририятимизга савол йўллашингиз мумкин. Барча саволларингизга тегишли мутахассислар орқали атрофлича жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Саломат бўлинг!

SOG'IG'IM — BOYLIGIM

БЕПУШТЛИК:

"АЙБ" АЁЛДАМИ ЁКИ ЭРКАКДА?

Халқимизда **“Болали уй — бозор...”**, деган мақол бор. Фарзанд оиламиз қувончи, наслимиз давомчисидир. Афсуски, орамизда ушбу бахтга эриша олмаётган оилалар, бепуштлиқдан азият чекаётган инсонлар ҳам бор.

Ушбу муаммо юзасидан биз Тошкент шаҳар Эндокринология диспансери қошидаги **“Элита-Тур”** хусусий тиббиёт маркази раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Турсунбой САМАТОВни суҳбатга чорладик.

— Турсунбой ака, бепуштлиқ ҳақида маълумот берсангиз. Унинг келиб чиқиш сабаблари нимда? Мазкур касаллиқни даволаса бўладими?

— Бепуштлиқнинг келиб чиқиш сабаблари турлича. Биз кўп ҳолларда эркак кишининг бепуштлиги ҳақида уйланган, фарзанд куравермагандан сўнг ўйлай бошлаймиз. Ана шундай пайтларда, яъни оилада фарзанд туғилмаганда, негадир эркак кишидан кўра кўпроқ аёлларни шифокорларга рўпара қилаверамиз. Бир сўз билан айтганда, “айб” аёл кишига қўйилади. Бирок кейинги вақтда ўтказилган тажрибалар бундай ҳолингн тақрибан ярмига эркак киши бепуштлиги сабабчи эканлигини кўрсатмоқда.

Хўш, бепуштлиқнинг келиб чиқиш сабаби нимда? Эркакнинг бу касаллиқка чалинган чалинмаганлигини қачон билишимиз керак? Аслида бу хасталиқни фарзандни уйлантиргандан кейин эмас, балки унинг жуда ёшлигидан билишга ҳаракат қилишимиз шарт ва зарур. Биз бепуштлиқ моятлар фаолиятининг бузилиши ёки уруғ йўллариинг шикастланиши туфайли содир бўлишини мутлақо унутмаслигимиз даркор. Эркаклар бепуштлиги қўйича болалик чоғида, ота-онанинг фарзандни соғлиғига бефарқлиги ёки унга эътиборсиз муносабатда бўлиши натижасида юз беради. Демак, ҳар бир ота-она туғилган ўғил боланинг иккала моятлари ҳам ёрқоқда, яъни моятлар жойлашган тери халтачасида бўлиши кераклигига эътибор бериши керак. Чунки баъзан иккала моят ҳам чоғда ёки қорин бўшлиғида қолиб кетиши мумкин. Агар боланинг энг узоғи билан 5-7 ёшигача моят ўз ўрнига туртирилмаса, бу шу жинсий аъзонинг уруғ ишлаб чиқариш фаолиятининг кескин сусайишига, ҳатто бутунлай бўлмаслиғига олиб келади.

Шу ўринда бир қарашда анча хавфсиздек туюлган тепки хасталиги энг даҳшатли асорат — моятлар яллиғланишига сабаб бўлиши ҳақида айтиб ўтишни ўринли деб биланман. Агар ўз вақтида бунга чора қўрилмаса, бу ҳолат ҳам эркаклар бепуштлигини келтириб чиқариши мумкин. Айниқ-

са, ўғил болаларнинг жинсий аъзоларида жароҳатлар бўлса, болани зудлик билан шифокорга олиб бориш лозим. Яна такрорлайман: уйланган, анча вақтдан бери фарзанд кўрмаётган эркак фақат хотинини шифокор-гинекологга юбориб билан чегараланиб қолмай, ўзи ҳам мутахассис-уролог ҳузурига боришни унутмаслиги керак. Бунда, аввало, унинг уруғи текириб қурилади, мабодо зарурат бўлса, керакли муолажалар буорилади.

— Мазкур касаллиқни бутунлай даволаш мумкинми?

— Бахтга қарши бу доим ҳам кўзланган мақсадни бермайди. Шунга ҳисобга олиб, ҳар бир ота-она фарзандлари келажagini ўйлаб, уларнинг соғлиғи ҳақида ўз вақтида қайғуриши лозим.

— Кейинги пайтларда ёшлар орасида қишда ҳам жуда енгил кийимлар кийиш одатга айланмоқда. Бу ҳам бепуштлиқка олиб келиши мумкинми?

— Жуда долзарб савол. Катталар бекорга қишда бошининг ва оёгининг иссик сақла, деб бот-бот такрорламайди. Афсуски, мода ортидан қувган ёшларимиз бу насихатга амал қилишмаяпти. Йигитлар тор шим, қизлар эса калта юбка ёки ўта юпка кийиблар кийишни урф қилишмоқда. Албатта, бу кийимлар баълоғат ёшидаги ёшларимиз соғлиғига салбий таъсир қилади. Масалан, ўта тор, ҳаво ўтказмайдиган шимда моятлар димқади, терлайди ва қон айланиши бузилади. Бу унинг яллиғланишига олиб келади. Қабулимизга келаятган аёлларнинг тўқсон фоизида айнан мавсумий кийим киймаслик натижасида келиб чиққан тухумдон шамоллаши касаллиги учрайди. Шунинг учун ёшларимиз ҳам мавсум-боп кийимшига одатланишлари, ўз соғлиқлари ҳақида жиддийроқ ўйлашлари лозим.

Усмонжон Йўлдошев
суҳбатлашди

Тахририятдан: Азиз ўқувчи! Балки юқоридаги мавзу Сизга ҳам бегона туюлмади, эҳтимол, ҳатто энг яқин дўстингизга ҳам айтолмайдиган муаммога дуч келгандирсиз. Мухими, умидсизликка туюшман. Ахир айтишадик-ку **“Улимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор”**, деб. Суҳбатдошимиз Турсунбой САМАТОВ барчангизга соғлиқ, хотиржамлик, фарзанд қувончини кўриш бахтини тилган ҳолда газетамиз билан доимий ҳамкорлик қилишга, ўз соҳаси бўйича Сизнинг бошқа саволларингизга ҳам атрофлича жавоб беришга тайёрлигини билдирди.

SPORT, SPORT, SPORT, SPORT

Сўнги тур олдида

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида ўтказилаётган мини-футбол мусобақаси гуруҳ учрашувларининг тўртинчи тури якунланди.

“Ўзбекистон почтаси” — “ТШТТ” — 3:6

Алоқа коллежи — ДФХ — 2:3

ДАИ — ЎзААА — 1:2

ФТМТМ — МАТБ — 2:3

“Халқаро почта” — “Матбуот тарқатувчи” — 3:0

“Тошкент почтаси” — “Ўзимпаксалоқа” — 4:0

ЭМММ — “Алоқабанк” — 3:0

ТАТУ — “Ўзбектелеком” — 2:3

Чорак финал иштирокчиларини аниқлаш учун олдинда яна бир тур ўйинлари турган бўлса-да, ҳар бир гуруҳда бештадан жамоа ўрин олганлиги сабабли тўрт жамоа мuddатидан аввал гуруҳ баҳсларини якунлади. ЎзААА жамоаси тўрт учрашувнинг барчасида галаба қозониб, “В” гуруҳида пешқадамликни қўлга киритди. “А” гуруҳидан жой олган “ТШТТ” жамоаси ҳам уч галаба билан кейинги босқич масаласини ҳал қилган. Гуруҳ баҳсларини галабасиз якунлаган “Алоқабанк” ҳамда бир галаба ва бир дуранг натижани қайд этган “Матбуот тарқатувчи” жамоалари эса мусобақани эрта тарқ этадиган бўлишди. Шунингдек, мағлубиятсиз ўйин намойиш этаётган ДФХ ва “Тошкент почта” (газетамизнинг ўтган сонида берилган “Тошкент почта” ва “Ўзбектелеком” ўртасидаги ўйин ҳисоби “2:3” эмас “3:0” тарзида ўқилсин) жамоалари ҳам сўнги тур олдида чорак финал йўлланмасини қўлга киритишди. Эслатиб ўтамиз, ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўл олади.

Ўз мухбиримиз

Бухорода ҳам

мини-футбол мусобақаси

Жорий йилнинг 18 феврал кўни Бухоро шаҳридаги “Семурғ” спорт мажмуида соҳа корхоналари раҳбар-ходимларидан тузилган жамоалар ўртасида мини-футбол мусобақалари бўлиб ўтди.

Ушбу спорт баҳсида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси, “Бухоро Телеком” ва “Бухоро почтаси” филиаллари, “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси, Давлат фелдъегерлик хизмати, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси, “Алоқабанк” тижорат-акциядорлик банки Бухоро филиали, 5-шаҳарлараро алоқа тармоғи бошқармаси, вилоят радиотелевизион узатиш маркази жамоалари иштирок этдилар.

Мусобақага пухта тайёргарлик кўрган Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси жамоаси фахрли биринчи ўриндан жой олишга муваффақ бўлди. Иккинчи ўрин — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси жамоасига насиб этди. Учинчи ўринни эса “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси жамоаси эгаллади.

Мусобақа голиблари ва иштирокчилари Агентликнинг вилоят ҳудудий бошқармаси ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг “Фахрий ёрлик”лари ҳамда алоқа корхоналарининг совгалари билан тақдирландилар.

Асқар ИСТАМОВ
Бухоро вилояти

«Хоразм Телеком» биринчи

Спортнинг ҳар қандай тури билан шуғулланиш саломатликни тиклашга, ақлан ривожланиш ва жисмонан чинқишга ёрдам беради.

Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси ташаббуси билан спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақа ўтказилди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси, «Хоразм Телеком» филиали, вилоят «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонаси ва «Ўзбекистон почтаси» АЖ Хоразм филиали жамоалари иштирок этди.

Мини-футбол бўйича ўтказилган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

Ҳудудий бошқарма — “Хоразм почтаси” филиали — 2:1

“Хоразм Телеком” — “Матбуот тарқатувчи” — 5:1

3-ўрин учун

“Матбуот тарқатувчи” — “Хоразм почтаси” филиали — 4:0

Финал

“Хоразм Телеком” — Худудий бошқарма — 4:0

Энг яхши ўйинчилар деб “Хоразм Телеком” филиали жамоасидан Матқурбон Рўзметов, Отабек Жуманиёзов ва Озод Эгамовлар топилди.

Арқон тортиш мусобақасида ҳам «Хоразм Телеком» филиали жамоасига тенг келадигани топилмади. Шундан кейин баскетбол саватига тўп ташлаш ва бошқа ўйинлар ҳам ўтказилди.

Умумий ҳисобда «Хоразм Телеком» филиали биринчи, «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонаси иккинчи, Агентликнинг Худудий бошқармаси жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва энг яхши ўйинчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ
Хоразм вилояти

Рус физиги, инсон ҳуқуқлари учун толмас курашчи сифатида бугун жаҳонга яхши таниш Андрей Сахаровнинг ҳаётида қарама-қаршиликлар кўп бўлган. Қуйида олимнинг ҳаёти, умр зарваракларидаги яхши ва ёмон кунлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Андрей Дмитриевич Москвада, зиёли оиласида таваллуд топди. Отаси, профессор Дмитрий Сахаров Москва педагогика институтида фаолият юритар, у ҳам физик эди. Олимнинг сўзларига қараганда, унинг ёшлиги анча қашшоқликда ўтган.

Андрей бувисининг қўлида ўсди. Бувисининг тилини яхши билар, унга Чарлз Диккенс, Кристофер Марло ва Гарриет Бичер-Стоуларнинг асарларини ўқиб берар, ҳар Рокдество арафасида эса "И-жик"ни ўргатар эди.

Сахаров Москва Давлат университетининг физика факултетига ўқиди. У истеъдоди ва ўзига талабчанлиги билан бошқа талабалардан ажралиб турарди. 1942 йили университетни аъло баҳоларга битирганидан сўнг ҳарбий заводга юборилди.

Урушдан сўнг Москвага қайтган Сахаров квант физикаси бўйича машҳур муҳассис Игор Тамм ёнига — Лебедев номидаги институтга ишга кирди. Икки йилдан сўнг Андрей Сахаров 26 ёшида физика-математика фанлари доктори даражасига кўтарилди. Шу пайтларда Сахаров Тамм ва бошқа ҳамкасблари билан биргаликда махфий равишда водород бомбаси устида иш олиб борар эди. Ана шу ишининг натижаси сифатида 1953 йили мазкур бомба синовдан муваффақиятли ўтди. Бу омад ҳаммадан ҳам собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг энг ёш олими Сахаровга катта шўҳрат олиб келди. Олим кейинчалик умрининг шу палласини эслаб: «Шахсан мен ўшанда тинчлик номидан иш қиялман, менинг ишим совет халқи ва умуман, бутун дунё учун деб ўйлардим», деган эди. Бироқ вақт ўтиши билан олимда ядро қуролига қаршилик туйғуси кучая бошлади. Биринчи навбатда у атмосферадаги биологик қуролларнинг синовидан чўчирди.

1958 йили Сахаров компания раҳбари Хрущёвга атмосферада биологик қуроллар синовини тўхтатиш тўғрисида баённома тақдим этди. Ядро синовларининг бефойдалигига қатъий ишонган олим бундай синовларни бутунлай тақиқлаш таклифи билан чиқди. Бу Хрущёвга таъсир қилди-ми-йўқми, номаълум. Лекин мораторий яна уч йил давом этди.

Мораторий яқунланганидан кейин ҳам Сахаров ядро синовларини тўхтатиш учун курашини давом эттирди, ammo унга қарши тараф жуда катта куч эди. «Қўлимдан ҳеч нарса келмади. Ишанда менда охирик хисси уйғонди, шундан сўнг бутунлай бошқа одамга айландим», деб эслайди кейинчалик олим.

У 1958 йили Хрущёвнинг урта таълимни қисқартирishi режасига ҳам қарши чиқди. 1963 йили бошқа бир катор олимлар қатори агроном Лисенконинг аҳмоқона тажрибасига қаттиқ қаршилик кўрсатди. Лисенконинг илмий бўлмаган тажрибаси (унинг фикрича, ўсимликлар ирсияти ўзи ўраб турган ўсимликлар ҳисобига ўзгариши мумкин) қишлоқ хўжалигининг барбод бўлишига олиб келган эди.

1966 йилда икки рус ёзувчиси — Андрей Синявский ва Юлий Даниэллар Фарбда нашр этилган Совет Иттифоқи иктисоди ҳақидаги китоби учун суд қилинди. Шунда Сахаров, Тамм, Пётр Капица ва ўша пайтдаги 22 нафар кўзга кўринган олимлар Хрущёвнинг издосхи Леонид Брежневга хат ёзишди. Мақтубда "Хар қандай сабрсизлик ва ўйламасдан қилинган иш Сталин давридаги инқирознинг қайта юз беришига олиб келиши мумкин", дейилган эди.

Сахаров сиёсий ҳаётда ҳам фаол эди.

YAQIN TARIX

1968 йили унинг «Тараққиёт ҳақида мулоҳаза, тинч яшаш ва интеллектуал озодлик» деб номланган манифести эълон қилинди. Бу манифестга кейинчалик машҳур америкалик журналист Г.Солсбери «Коммунистик дунёнинг либерализмга ҳаракатлантирувчи олий кўриниши», деб баҳо берди. Академик ўз асарида АҚШ ва собиқ Иттифоқ ўртасидаги ядро қуроли пойғасини қоралаган ҳолда, бу икки буюк давлатларни умумбашарий муаммолар — очарчилик, ишсизлик ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби муаммоларга биргаликда барҳам беришга чакирди. Собиқ Совет Иттифоқида катта шов-шувга сабаб бўлган манифест АҚШда «Тараққиёт, биргаликда яшаш ва интеллектуал озодлик» номи билан нашр



Зиддиятлар қуршовидаги ҳаёт

этилди. Шунингдек, у сиёсий маҳбусларни озод қилиш талаби билан ҳам давлат судларига қарши борди. Сахаровнинг бундай ҳаракатларига давлатнинг расмий «жавоб» и кўпчилик кутганидек юқори даражада бўлмади. У «бор-йўғи» барча лавозимларидан четлаштирилди. Кейинчалик олим Лебедев номидаги институтга бош илмий ходим ва-зифасига ишга қабул қилинди. Бу совет академияга ишлаши мумкин бўлган энг паст даражали иш эди. Бу ерда у «Элементар зарралар, оламнинг тузилиши ва гравитацияси» борасида назарий тадқиқотлар олиб борди. Шу пайтга келиб олимга уч фарзандни ҳаёда этган хотини вафот этди.

1970 йили Сахаров бир неча совет физиклари билан ҳамкорликда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» тамойилларини юзага чиқариш бўйича «Инсон ҳуқуқлари учун» номи қўмитасига асос солди. Бир йилдан сўнг олим кейинги ҳаёти ва фаолиятида катта ёрдам берган аёл Елена Боннэр билан танишиди ва унга уйланди.

Сахаров давлатнинг ички ишларига қанчалик кўп аралашар экан, унга нисбатан шунчалик нафрати ошиб борар эди. 1973 йили Бош прокурор ёрдамчисининг қаттиқ оғохлантиришига қарамадсан, олим ўн бир нафар Фарб журналисти иштирокида матбуот конференцияси ташкил қилди.

1975 йили Сахаровга тинчлик соҳасидаги хизматлари учун Нобел мукофоти берилди. Дарҳақиқат, инсонпарварликнинг асосий тамойилларини ҳеч чўчимасдан қўллаб-қувватлаши ва инсон шаънини кўтариш йўлидаги саъй-ҳаракатлари унга шундай шон-шўҳрат олиб келди.

Нобел қўмитаси раиси Осе Лионес мукофотни топшириш маросимида шундай деган эди: «Ташкилот маъмурияти мукофотни Сахаровнинг шаҳсан ўзи олмаганидан афсусда...». Ушанда мукофотни қабул қилиб олган олимнинг хотини Е.Боннэр йиғилганларга турмуш ўртоғи Вилносда ҳамкасбларидан бирининг сўзида иштирок этаётганлигини айтиб унинг қуйидаги фикрларини ўқиб эшиттирди: «Инсон ўз кадр-қимматини сақлаш учун дунёнинг умумий ор-

зусига жавобгар бўлмоғи зарур». Боннэр турмуш ўртоғининг «Тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари» деб номланган маърузасини ҳам ўқиб берди. Мазкур маърузаси орқали олим виждон эркинлиги, жамият фикрини юзага чиқариш, плюрализм, таълим тизими ва нашр эркинлигини талаб қилиб чиқди. «Буларнинг барчасини социалистик давлатда учратиш бўлмайдми», деган эди у.

Сахаров мукофот жамғармасидаги маблагни собиқ Иттифоқ ва Шарқий Европа давлатларидаги сиёсий тутқунларга ва уларнинг озодлиги учун курашаётган бутун дунёдаги инсонларга бўлиб берилишини илтимос қилди.

У 1980 йил арафасида совет армиясининг Афғонистон ҳудудида бостириб киришини қаттиқ танқид остига олди. Шундан сўнг у деярли барча давлат мукофотларидан маҳрум қилинди ва ҳеч қандай судсиз ўша пайтда чет элликлар учун ёпиқ, ҳарбий-санаятлашган шаҳар — Горкий (ҳозирги Нижний Новгород)да уй қамогига маҳкум қилинди. Боннэрга Москвада қолишга ружухат берилди. Лекин у ҳам тўрт йилдан сўнг советларга қарши бўҳтонда айбланиб, Горкийга жўнатилди.

1986 йилнинг декабр ойида компартиянинг айбисиз эканлигини эътироф этди. Шундан сўнг олим яна сиёсий ваҳжар билан қамалган диссидентларни оқлашга киришди. 1987 йили у Франция Фанлар академияси аъзолигига қабул қилинди.

Сахаров мамлакатни бахт-саодатли, тинчлик ва ҳавфсиз ҳаёт кечираётган халқ билан қўришни, дунёдаги инсонларнинг ирқи, жинси, миллати, ёши ва ихтимой келиб чиқишидан қатъи назар тенг бўлишини истарди.

Олим 1990 йилнинг 14 декабрда халқ депутатлари кенгашининг сўзидан сўнг, тизғи иш кунда вафот этди. Бу буюк шахс билан видолашish учун миғлаб инсонлар дунёнинг турли бурчакларидан етиб келишди.

Водород бомбаси, бир неча турдаги ядро қуроллари ихтиро қилинишига катта ҳисса қўшган олим тинчлик соҳасидаги ҳаракатлари билан ҳам улкан муваффақиётларга эришди.

Олимнинг ҳаётилик пайтида 1988 йил Европа парламенти томонидан Андрей Сахаров номидаги мукофот таъсис этилди. Мукофот, асосан, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлиги ҳимоясида, шунингдек, зулм ва адолатсизликка қарши курашда муваффақиётларга эришган шахслар ёки ташкилотларга берилди. Ушбу мукофот ҳар йили 10 декабрда — Инсон ҳуқуқлари жаҳон декларацияси қабул қилинган санада топширилади. Айна пайтда мукофот қиймати 50 миңг еврони ташкил этади.

Абдураҳмон УМАР тайёрлади

ДОНОЛАР ДЕЙДИ-КИ...

Бир вақтда овқат ейишни одат қилки, вужудинг шунга кўниксин. Хўл, иссиқ, совуқ ва қуруқ нарсалардан тенглаштириб егинки, мижозингни мўътадил қилиб туради.

Овқат ейишдан аввал унинг ҳазми ҳақида ўйла, овқатнинг ширинлиги ва ҳаловатига ўқиб, ҳазм қилолмай қийналиб юрма.

Бутун куч саломатлиқни сақлашга қаратилиши лозим. Чунки саломатлигинг бузилса, ҳаётинг ва маишатиңг бузилади. Ичишда, ейишда, ухлашда ҳаловат ва роҳат қолмайди.

Соғлом одам табиатнинг бебаҳо асаридир.

Саломатлиқнинг баҳоси ҳеч қачон пасаймайди. Чунки саломатлик йўқ жойда на фароват ва на ҳаловат бор.

Баданингни сенда ҳақи бўлиб, уни ўз вақтида адо қилишинг лозим. Бу ҳақ шунки, соғлиқни сақлаш қонунарига тўла амал қиласан, озодларик ва покизалиқ шартларини жойига қўясан. Утиришда, юришда, туришда, уйкуда, еб-ичишда, кийинишда, яшаш жойи ва ҳаводан фойдаланишда қондага амал қиласан. Шунда табибга эҳтиёжинг тушмайди, дори-дармон қидириб овора бўлмайсан.

Дўст ва ҳамнишинлар ақлли ва доворак қишилирдан иборат бўлиши керак. Бундай инсонлардан одамнинг ақли ва довораклиги ошади. Илмсиз ва феъли бузуқ қишилар ҳар ерда кишига панд беради, бадном қилиб қўяди.

Ўтганларнинг охираати олоб бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси Агентлиқнинг Андижон вилоятидаги таркибий бўлинмаси бошлиғи Абдумажид Тамировга отаси

Иброҳимжон ТЕМИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Илҳат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Миродасур ОБИДУЖАЕВ
Миродас САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъула котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХУЖАЕВ
Асрор ЭШОНҲУЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Солижон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган кўлем ва суратлар эгаларига қайтарибмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлашиши мумкин.
Намуналардан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлигини кўрсатилиши шарт.

Тажрибавий материал — 0.
Режама матларининг тўғричилиги таҳририят жавобгар эмас.
Рақам ва далавларнинг ҳаққончилиги учун мақола муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Манзили: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz.

Газета таҳририят компьютер базасида тервалд ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи:
А. БҮРИЕВ.

Мати туювчи:
Д. МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

159-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Азоди: 9458 нуска.